

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

САБИРОВА ГУЛЧЕХРА АСАДОВНА

**КИМЁВИЙ ВА ФИЗИК ОМИЛЛАРНИНГ МАЖМУАВИЙ ТАЪСИР
ҚИЛИШИДАН ТОКСИК ГЕПАТИТНИНГ ПРОФИЛАКТИК
УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сабилова Гулчехра Асадовна

Кимёвий ва физик омилларнинг мажмуавий таъсир қилишидан токсик гепатитнинг профилактик услубларини такомиллаштириш 3

Сабилова Гулчехра Асадовна

Совершенство методов профилактики токсического гепатита от комплексного воздействия химических и физических факторов 23

Sabirova Gulchekhra Asadovna

Improvement of methods of prevention of toxic hepatitis from the complex effects of chemical and physical factors..... 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

САБИРОВА ГУЛЧЕХРА АСАДОВНА

**КИМЁВИЙ ВА ФИЗИК ОМИЛЛАРНИНГ МАЖМУАВИЙ ТАЪСИР
ҚИЛИШИДАН ТОКСИК ГЕПАТИТНИНГ ПРОФИЛАКТИК
УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.07 – Гигиена

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1164 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.


Илмий маслаҳатчи	Хамракулова Мукаддасхон Аскаровна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Саломова Феруза Ибодуллаевна тиббиёт фанлари доктори, доцент Худайбергенов Анатолий Сагатбаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Токио марказий шифохонаси (Япония)


Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» 12 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел./факс: (99871) 150-78-14)

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 12 куни тарқатилди.
(2021 йил «10» 12 даги 29 рақамли реестр баённомаси)




Г.И.Шайхова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор


Д.Ш.Алимухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори


Ф.Н.Саломова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда меҳнат шароитларининг замонавий даражаси технология ва техникани такомиллаштириш билан тавсифланади. Бироқ, биз ишлаб чиқарувчи омилларнинг ишчилар организмига салбий таъсирини бутунлай чиқариб ташлашни тасаввур қила олмаймиз. «...меҳнат фаолияти давомида нефть-газ саноатида ишлайдиган шахслар кўп-олтингургуртли нефть ва нефть маҳсулотларининг таркибий қисмлари, физик омиллар ва иссиқ микроиклим таъсирида бўладилар, ушбу ҳолат саломатликка салбий таъсир кўрсатади....»¹. Организмнинг меъёрий ҳолати ва унинг хавф омилларига чидамлилиги гомеостазни тартибга солишнинг физиологик механизмларини қўллаб-қувватлайди. Тананинг ички муҳити доимийлигининг бузилиши муқаррар равишда турли касалликларнинг ривожланишига олиб келади. Шу сабабли, нефть маҳсулотлари компонентлари билан заҳарланишда тиббий ёрдам кўрсатиш ва эрта ташҳис қўйиш, сурункали токсик гепатитнинг ривожланиши ва кечишини аниқлаш механизмлари долзарб ва ижтимоий аҳамиятга эга.

Жаҳонда физик ва кимёвий омилларнинг мажмуавий таъсир қилишидан токсик гепатитнинг профилактик услубларини такомиллаштириш борасида қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқларининг асосий бўлимларидаги иш шароитларини ва зарарли омиллар даражасини ўрганиш, қоннинг клиник ва биокимёвий хусусиятларининг ўзгариши асосида нефть ва газ ишлаб чиқариш корхоналари ишчиларининг саломатлигини сақлашга қаратилган тиббий ва профилактик чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати ва самарадорлигини тубдан оширишни таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, жумладан, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ишлаб чиқариш омилларининг мажмуавий таъсиридан ривожланувчи касалликларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жумладан, физик ва кимёвий омилларини мажмуавий таъсир қилишидан токсик гепатитнинг олдини олиш услубларини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ Бакиров А.Б., Гимранова Г.Г. Приоритетные направления научных исследований в нефтедобывающей, нефтеперерабатывающей, нефтехимической промышленности // Медицина труда и экология человека. – 2016. -№ 3 (7). – С. 5-10

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4388-сон «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бутун дунёда охириги қирқ йил давомида токсик омилларнинг кимёвий таркиби анча мураккаблашган ва комбинацияланган тавсифга эга бўлган (Василенко Ю.К., 2012; Медведева С.Ю., 2014). Атмосфера ҳавосини, тупроқ ва сувни саноат чиқиндилари билан ифлосланиши, ишлаб чиқаришни ва кундалик ҳаётни кимёлаштириш, ушбу омилларни ишчиларнинг организмига таъсир кўрсатиши уларни ишлаб чиқаришда бўлган вақтлари билан чегараланмайди. Ускуналар қувватининг ошиши ишлаб чиқариш шовқинларининг ошиши билан бирга келади (Азизходжаев А.А. ва бошқалар, 2010; Валеева Э.Т., 2008). Асаб-эмоционал зўриқувчанлик даражаси ошади (Жандосов Ш.У. ва бошқалар, 2008; Эргашева Н.О., 2018). Кўпчилик муаллифлар нефть-кимё ишлаб чиқариш саноати ишчиларида овқат ҳазм қилиш тизими ва жигар фаолиятининг бузилишини қайд этишган (Галимова Р.Р. ва ҳаммуал., 2013). Экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда яшовчи одамларнинг гепатобилиар тизими ҳолатига экологик омилларнинг таъсири, бу аҳоли гуруҳларида овқат ҳазм қилиш тизими касалликларининг пайдо бўлишига олиб келади деб ҳисоблашган (Сакиев К.З. ва ҳаммуал., 2015). Нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқлари ишчиларини меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотиш юрак-қон томир касалликлари, овқат ҳазм қилиш тизими ва асаб тизимининг шикастланиши билан касалланиш структурасида текширишда энг тарқалган касалликларни биринчи учлигига кирган (Азизходжаев А.А., 2010). Қон зардобиди бета-липопротеинлар микдорининг ошиши, трансаминазалар фаоллигининг бузилиши ва де Ритис коэффициентининг камайиши аниқланган. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, кимёвий моддалар билан саноат алоқаси пайтида токсик гепатитнинг ривожланиши билан боғлиқ катта прогностик аҳамиятга эга бўлган биокимёвий ўзгаришлар пайдо бўлиши мумкин (Каримова Л.К. ва ҳаммуал., 2012; Реина Э.Ф. ва ҳаммуал., 2016). Бир

қатор тадқиқотчилар нефть углеводородлари билан алоқада бўлган ишчиларда жигарнинг оксил ҳосил қилиш функцияси бузилганлигини кўрсатган, бунинг натижасида катта дисперсли оксилларнинг синтези бузилади ва диспротеинемия ривожланган (V.K.Ketan, 2015). Углеводородларнинг катта бўлмаган концентрацияси таъсирида ферментлар ва липидлар алмашинувининг бузилиши, организмнинг биологик химоя тизими элементларининг фаоллиги пасайиши кузатилган (S.Karami-Mohajeri, 2017). Хорижий муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, зарарланган гепатоцитларни химоя қилиш усулларида бири ўсимлик доривор препаратларини қўллашдан мақсад ҳужайра мембраналари тузилишини ва зарарланган гепатоцитлар функциясини тиклашдир ва улар организмга токсик таъсир кўрсатмаган (A.M.Anakwue, 2017; Q. Liu. et al., 2017).

Ўзбекистонда турли корхона ишчиларининг саломатлик ҳолати ва пестицидлар таъсири натижасида организмларда биокимёвий ўзгаришлар, моддалар алмашинувининг бузилишини ўрганиш бўйича қатор олимлар илмий ишлар олиб боришган (Искандаров Т.И., 2019; Садиқов А.У., Парпиев А.М., 2018; Хамракулова М.А., Садиқов А.У., 2017), бироқ, физик ва кимёвий омилларини мажмуавий таъсир қилишидан токсик гепатитнинг профилактик услублари такомиллаштирилмаган.

Афсуски, нефть ва газ саноати ходимларида патогенетик профилактика, даволаш, токсик гепатитнинг дастлабки белгиларини эрта ташхислаш масалалари тўлиқ ўрганилмаган. Бу, айниқса, келиб чиқиши табиий бўлган биологик фаол моддалар мажмуаси ёрдамида жигарда метаболик жараёнларни фармакологик тузатиш усуллари ишлаб чиқиш учун тўғри келади. Шу нуқтаи назардан, жигарнинг зарарли кимёвий ва физик омиллар мажмуасининг таъсирга чидамлилигини ошириш ва организмдаги дезинтоксикация жараёнларини фаоллаштиришга қодир воситаларни излаш долзарбдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № АДСС-15.17.3 «Саноатда гепатоксик таъсирчан моддалар, шовқин ва тебранишнинг мажмуа ҳолидаги таъсиротида эрта ташхис қўйиш, профилактика ва химояловчи терапевтик воситаларни қўллаш усуллари ишлаб чиқиш» (2015–2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нефть ва газ қазиб чиқариш саноати ишчиларида кимёвий ва физик омилларнинг мажмуавий таъсиридан келиб чиқувчи токсик гепатитни эрта ташхислаш, олдини олиш тартибини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқларининг асосий бўлимларидаги иш шароитларини ва зарарли омиллар даражасини баҳолаш;

чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижалари ва қоннинг клиник ва

биокимёвий ўзгаришлари тўғрисидаги маълумотлар асосида нефть ва газ ишлаб чиқариш соҳасида ишлаётганларнинг саломатлик ҳолатини, жигар фаолиятини баҳолаш;

токсик гепатитнинг дастлабки кўринишини эрта аниқлаш учун мумкин бўлган диагностик тестлар сифатида экспериментдаги кимёвий ва физик омиллар таъсирида ўзгарадиган метаболизмнинг энг интеграл кўрсаткичларини баҳолаш;

ўсимликлардан тайёрланган биологик фаол моддаларни қўллаш ёрдамида жигардаги метаболик ўзгаришларни тузатиш орқали токсик гепатитнинг ўзига хос профилактикаси ва даволаш усулларини баҳолаш;

нефть ва газ тармоқлари ишчиларининг саломатлигини сақлашга қаратилган тиббий ва профилактик чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида экспериментал ҳайвонлар - оқ зотсиз каламушлар; Жанубий-ғарбий Ҳисор кони «ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг Компани», Ҳисор конининг нефть ва газ тармоғи ишчи-ходимлари кимёвий ва физик омиллар билан ишлаб чиқаришда алоқада бўлган - 753 нафар шахс (тажриба гуруҳи) ва 48 нафар шахс (назорат гуруҳи), кимёвий, физик омиллар билан ишлаб чиқаришда алоқада бўлмаган маъмурий-хўжалик ишчи ходимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида асосий иш жойларининг меҳнат шароитларини ўрганиш натижалари, шунингдек, нефть ва газ қазиб чиқариш саноати ходимларининг текширувдан ўтказилган контингентида овқат ҳазм қилиш органлари (жигар) функционал ҳолати натижалари, кимёвий, физик омиллар таъсир шароитида экспериментал ҳайвонларнинг қони, қон зардоби, органлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда санитар-гигиеник, биокимёвий, клиник, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гигиеник меъёрларга мос келмайдиган ишлаб чиқариш муҳитининг кимёвий ва физик омиллари мажмуасининг замонавий нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқлари ишчиларининг овқат ҳазм қилиш органлари ва жигар ҳолати учун хавфли эканлиги асосланган;

жигарнинг молекуляр, ҳужайра, ҳужайралараро, тўқима ва орган даражаларида ишлаб чиқариш муҳитининг кимёвий ва физик омиллари мажмуасининг биологик таъсири исботланган;

нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқлари ишчиларининг организмига ишлаб чиқариш муҳитининг кимёвий ва физик омиллари мажмуасининг таъсиридан токсик гепатитнинг дастлабки кўринишини ташхислашнинг янги усуллари ишлаб чиқилган;

токсик гепатитни олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш учун тажриба ва клиник текширувлар шароитида янги ўсимликликдан тайёрланган дори комплекси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқлари ишчиларида токсик гепатитнинг дастлабки кўринишини ташхислаш учун тестлар сифатида сезувчан ва

информатив биокимёвий тадқиқот усуллари тавсия қилинган;

овқат ҳазм қилиш тизимининг касбий шикастланишларида биокимёвий кўрсаткичларнинг бузилиши сабабли алоқаларини аниқлайдиган жигар функциясининг бузилишини бошланғич босқичининг биокимёвий мезонлари асосланган;

биокимёвий тестлар мажмуаси ёрдамида биринчи марта кимёвий ва физик омиллар мажмуаси таъсирида метаболик касалликларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро бир-бирини тақозо қилиши исботланган;

«Гепалюкс» ўсимлик дори воситасини қўллаш ёрдамида ишлаб чиқариш муҳитининг кимёвий ва физик омиллари мажмуаси таъсиридан токсик гепатитни даволашнинг ўзига хос профилактика усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий санитар-гигиеник, биокимёвий, клиник, инструментал ва статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, физик ва кимёвий омилларини мажмуавий таъсир қилишидан токсик гепатитнинг профилактик услубларни такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экспериментал ҳайвонлар ва нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқлари ишчиларининг организмидаги метаболик ўзгаришларнинг ишлаб чиқариш муҳитининг кимёвий ва физик омиллари мажмуасининг таъсирига боғлиқлигини аниқлаш билан шартланган. Биринчи марта кимёвий ва физик омиллар мажмуаси таъсиридан токсик гепатитнинг олдини олиш ва даволаш учун «Гепалюкс» ўсимлик дори воситасининг самарадорлиги асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти организмга кимёвий ва физик (шовқин ва тебраниш) ишлаб чиқариш омиллари таъсирида жигарда биокимёвий ўзгаришлар даражасини аниқлаш билан боғлиқ, шунингдек биологик фаол моддаларни киритиш орқали метаболик жараёнларни коррекция қилиш имконияти аниқланганлиги, организмдаги биокимёвий жараёнларни фаоллаштириш орқали токсик гепатитнинг патогенетик профилактикаси учун «Гепалюкс» ўсимлик препаратини қўллашга, шунингдек нефть ва газ қазиб чиқариш саноати ишчиларида токсик гепатитнинг дастлабки белгиларини аниқлашда баъзи биокимёвий кўрсаткичлардан фойдаланиш учун асос бўлиб ҳисобланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Физик ва кимёвий омилларни мажмуавий таъсир қилишидан токсик гепатитнинг профилактик услубларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

токсик гепатитни олдини олишга қаратилган профилактик чоратadbирлар бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Кимёвий ва физик омилларнинг инсон организмга комплекс

таъсирини эрта ташҳислаш ва олдини олиш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 сентябрдаги 8н-з/306–сон маълумотномаси). Натижада нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқлари ишчиларида кимёвий ва физик омиллар таъсирида ривожланган токсик гепатитни эрта ташҳислаш, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берган;

физик ва кимёвий омилларини мажмуавий таъсир қилишидан токсик гепатитнинг профилактик услубларини такомиллаштириш асосида олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Қашқадарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Фарғона жамоат саломатлик тиббиёт институти шифохонаси, Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 ноябрдаги 08-09/17405–сон маълумотномаси). Натижада нефть қазиб олиш соҳасида ишлайдиган ишчилар жигарининг функционал ҳолатини бузилиши, метаболик, оқсил синтезлаш, сафро ажратиш, антитоксик фаолиятларининг ўзгариши, қон зардобиди митохондриял ферментларни - ГДГ, СДГ ва МДГ фаоллигининг пасайиши, АСТ, АЛТ, ГГТ фаоллигининг, ишқорий фосфатазининг ошиши, шунингдек, мочевина, креатинин, пирозин, сут кислоталари миқдорининг ортиши ва гликоген ва билирубинларнинг парчаланиши, шунингдек, кимёвий ва физик омилларнинг мажмуавий таъсиридан токсик гепатитни профилактика қилиш услубларини такомиллаштириш нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқлари ишчиларида токсик гепатитни эрта ташҳислаш, олдини олиш ва даволашга ёрдам бериш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги

асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Республикамиз нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқларининг асосий санитар-гигиеник жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида замонавий нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқларининг меҳнат шароити ва иш жойларининг зарарли ишлаб чиқариш омиллари масалалари бўйича илмий ишлар таҳлили, организмга кимёвий ва физик омиллар таъсир қилиши натижасида токсик гепатитнинг ривожланиш қонуниятлари, кимёвий ва физик омилларнинг овқат ҳазм қилиш органларига таъсири келтирилган, кимёвий моддалар, шовқин ва тебраниш билан алоқада бўлган шахсларни саломатлигининг ҳолати ва қонининг биокимёвий кўрсаткичлари ўрганилди, жигарга ишлаб чиқариш омилларининг мажмуавий таъсирининг хусусиятлари ва токсик гепатитни профилактика қилиш услубларини ишланмалари кўриб чиқилди.

Диссертациянинг «**Республикамиз нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқларининг асосий санитар-гигиеник жиҳатларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари бўлиб экспериментал ҳайвонлар - оқ зотсиз каламушлар, «ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг Компани»нинг Жанубий-ғарбий Ҳисор кони, Ҳисор кон саноатининг нефть ва газ қазиб чиқариш тармоқлари ишчилари - кимёвий ва физик омиллари таъсирида бўлган 753 нафар шахс (тажриба гуруҳи) ва 48 нафар шахс (назорат гуруҳи), кимёвий, физик омиллар билан ишлаб чиқаришда контактда бўлмаган маъмурий-хўжалик ходимлари.

Тадқиқотлар мажмуавий тавсифга эга бўлган. Ушбу ишда гигиеник, клиник, биокимёвий, статистик услублар ишлатилган.

Биз томондан «ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг Компани»нинг энг йирик бўлинмаларидан бири Жанубий-Ғарбий Ҳисор мисолида республиканинг замонавий нефть ва газ қазиб чиқарувчи тармоқларида ишлаётган ишчиларнинг меҳнат шароитлари ўрганиб чиқилди. Жанубий-Ғарбий Ҳисор лойиҳаси етти конни ўз ичига олади, улардан асосийлари Одамтош, Гумбулоқ ва Жарқудуқ-Янги Қизилча.

Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш ва ташиш билан банд бўлган ишчиларнинг меҳнат шароитларини ўрганиш 0141-03-сонли «Ишлаб чиқариш муҳити омилларининг зарарлилик ва хавфлилик кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитларини гигиеник таснифи» номли СанҚваМ ларга мувофиқ ўтказилган. Ҳисор конининг нефть ва газ қазиб олувчи конлари ишчи зонаси ҳавосида кимёвий моддалар концентрациясини аниқлаш Давлат стандарти 12.1.005 бўйича олиб борилган, тадқиқот натижаларини баҳолаш 0209-06 сонли «Нефть саноати учун санитария қоидалари ва гигиеник талаблар» номли ЎзР СанҚваМ ларга мувофиқ ўтказилган.

Шовқинни баҳолаш 0325-16-сонли «Иш жойларида руҳсат этилган шовқин даражасининг санитария нормалари» номли ЎзР СанҚваМ лар ва 0326-16-сонли «Иш жойларида умумий ва маҳаллий тебранишнинг санитария

меъёрлари» номли СанҚваМлар асосида ўтказилди.

Иш жойлари ва цехлардаги метеорологик шароитлар 0324-16-сонли «Ишлаб чиқариш биноларининг микроиклим параметрларини санитар-гигиеник меъёрлари» номли ЎзР СанҚваМларга биноан ҳаво ҳарорати ва намлигининг қиймати билан баҳоланган.

Ҳисор конининг асосий конларида нефть ва газнинг кимёвий таркиби-водород сульфиди, азот оксиди, углеводородлар, сульфат ангидрид ва аммиак миқдори аниқланди.

Микроиклим параметрлари (ҳаво ҳарорати, нисбий намлик ва ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги) совуқ ва иссиқ мавсумда қайд этилган. Шу мақсадда ҳароратни ўлчаш учун мўлжалланган қора шарли «Вернопойка» термометри ишлатилган, бу иш жойидаги муҳитнинг иклим ҳолатининг кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Ҳавонинг ҳароратини (C°) ва нисбий намлигини (% ларда) ўлчаш Асман аспирацион психрометри ёрдамида ўтказилган. Ҳавонинг ҳаракати (м/сек) қанотчали анемометр билан аниқланди, иш жойлари цехларининг ёритилиши люксметр - Ю -116 билан ўлчанди.

Шовқин ва тебранишни ўлчаш ВШВ-003-М2 аппарати ёрдамида амалга оширилди. Қўлда ишлайдиган машиналар ва асбоблар билан ишлашда маҳаллий тебранишлар 8 дан 1000 Гц гача бўлган октава чизикларида, 16 дан 250 Гц гача бўлган машиналарнинг бошқарув органларида тебраниш тезлиги билан ўлчанди. Тебраниш датчигини қўлнинг тебраниш юзаси билан алоқа қиладиган жойларга дастакнинг асосий материалининг текис ва силлик юзасига мустаҳкамланади ва датчикни завод инструкцияси бўйича резъбасига, магнитга ёки махсус мастикларга ўрнатилди. Ҳар бир нуқтада ўлчовлар камида 3 марта такрорланди.

«ЛУКОЙЛ Ўзбекистон Оперейтинг Компани» Ҳисор бўлимида ишлайдиганларнинг (753 нафар шахс) ва назорат гуруҳидан 48 нафар шахснинг саломатлик ҳолати Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижалари асосида ўрганилди (2012 йил 10 июлдаги ЎзР ССВ нинг 200-сонли буйруғи). Қоннинг биокимёвий параметрларини текшириш ЎзР ССВ санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти (ЎзР ССВ СГККИТИ) гигиенада тиббий- биологик тадқиқотлар лабораториясида ўтказилган.

Ишда қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун «Гепалюкс» ўсимлик препарати билан даволашдан олдин ва кейин 173 нафар ишчида клиник ва биокимёвий тадқиқотлар ўтказилди.

173 нафар текширилган ишчиларнинг 1-гуруҳи (экспериментал гуруҳ) «Гепалюкс» ўсимлик препарати билан даволанди (бўзноч гуллари, бўйимодарон ўтлари, қизилмия илдизи, аччиқ ялпиз барглари, маккажўхори попуклари, наъматак мевалари), 2-назорат гуруҳи – бевосита зарарли кимёвий ва физик омиллар билан алоқада бўлмаган шахслар - 48 нафар киши (офис ишчилари). Жигарнинг функционал ҳолатини ва қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш «Гепалюкс» ўсимлик препаратини қабул қилишдан олдин икки ҳафталик вахтали ишдан сўнг ва доривор препаратни қабул қилганидан 30 кун ўтгач ўтказилди.

Экспериментал тадқиқотлар тажриба ёки бошқа илмий мақсадларда ишлатиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ETS 123-сонли Европа Конвенциясига (Страсбург, 1986 йил 18 март) асосан ўтказилди. Барча ҳайвонлар виварий шароитида ва ЎзР ССВ СГКК ИТИни гигиенада тиббий-биологик тадқиқотлар лабораториясида сақланган.

Тажрибалар оғирлиги 160-180 грамм бўлган 120 та эркак оқ каламушда ўтказилди. 95-120 дБ даражадаги шовқин, 100-115 Гц (2-16 дБ)*¹ тебраниш ва углеводородлардан олинган нефть маҳсулотлари таркибий моддаси - дихлорэтан таъсир қилиши ўрганилди, улар ошқозон ичига ёғли эмулсия шаклида 1/20 ЛД₅₀ (ЛД₅₀=5100 мг/кг)*² дозада юборилган. Сурункали тажрибада гепатотроп омилларнинг биологик таъсир механизми 15, 30, 60 ва 90 кун давомида ўрганилди.

Митохондрияни жигардан 0,25 М сахароза эритмасида 1 мМ ЭДТА миқдорда, рН 7,4 бўлган ҳолда икки марта ювиш билан дифференциал центрифуга қилиш усули билан ажратиб олинган. Ферментларга субстрат киритишни кўпайтириш учун митохондрия мембранани уч марта музлатиб олиш йўли билан зарар етказилган. Фермент фаоллиги мкмоль/г ва ммоль/г соат билан ифодаланган.

Эксперимент қуйидагича режалаштирилган эди: I гуруҳ - назорат (интакт каламушлар), II гуруҳ - ҳайвонлар дихлорэтан, шовқин ва тебранишнинг биргаликдаги таъсирига учраган; III гуруҳ - дихлорэтан, шовқин ва тебранишнинг мажмуавий таъсирига учраган ҳайвонларга ўсимлик препаратларидан иборат «Гепалюкс» дамламаси юборилган (бўзоч гуллари, бўйимодарон ўтлари, қизилмия илдизи, аччиқ ялпиз барглари, маккажўхори попуклари, наъматак мевалари).

Ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларидан олинган маълумотлар шахсий компьютерда ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларига эга бўлган, Microsoft Office Excel, Windows 2016 дастурий пакет ёрдамида статистик ишлов берилди. «M», «m», «t» кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган. Таққосланган кўрсаткичлар орасидаги тафовутларнинг статистик аҳамияти Стьюдент мезонлари бўйича баҳоланди (P<0.05).

Диссертациянинг **«Ҳисор нефть ва газ қазиб чиқариш саноати ишчиларини меҳнат шароитларининг гигиеник тавсифи ва саломатлик ҳолати»** деб номланган учинчи бобида «Лукойл Узбекистан Оперейтинг Компани» томонидан Жанубий-Ғарбий Ҳисорнинг йирик бўлинмаларидан бири мисолида, «ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани» республикамиздаги замонавий нефть ва газ қазиб чиқариш соҳаси ишчиларининг меҳнат шароитлари ўрганиб чиқилди.

Ушбу бўлимда республиканинг нефть ва газ саноатини магистрал газ қувурлари ва компрессор цехларининг қисқача технологик тавсифи, шовқин ва тебраниш даражалари, метеорологик шароитлар, ишчи майдон зонасидаги кимёвий моддалар миқдори ва Ҳисор нефть ва газ қазиб олиш соҳасидаги ишчиларнинг саломатлик ҳолатини ўрганиш натижалари келтирилган.

Махсус шовқинли (85-110 дБА) объектларга Одамтош газини қазиб олиш ва тайёрлаш участкаси (94,0±1,41 дБА), нефть ва газ қазиб чиқариш цехи

(92,0±1,38), ишлаб чиқариш ва технологик хизмат (92,2±1,5 дБА), Гумбулоқ - Жаркудук газини қазиб олиш ва мажмуавий тайёрлаш участкаси (94±1,52 дБА) киради. Юқорида кўрсатиб ўтилган объектларда шовқин даражаси рухсат этилган даражадан (РЭД) 10 дан 15 дБА гача ошиб кетади. Транспорт участкасида, шунингдек, қувурлар ва ўлчаш мосламаларини ишлатиш жойларида, технологик ускуналарни таъмирлаш бўйича ва таъмирлаш-технологик устахонаси бригадаларида рухсат этилган шовқин даражасининг бир оз ортиши кузатилади, ўртача 82±2,07 дан 85,0±3,49 дБА гача (1-жадвалга қarang).

1-жадвал

Ҳисор кони нефть ва газ қазиб чиқариш участкаларида шовқин даражаси

№	Ўлчовлар жойи	РЭД	Товушнинг эквивалентли даражаси, дБА (M±m)	Меҳнат шароитлари синфлари
1	Нефть ва газ қазиб чиқариш цехи	80	92±1,38	3.2
2	Ишлаб чиқариш-технологик хизмати	80	92,2±1,50	3.2
3	Кимёлаштириш бригадаси	80	75±1,67	2
4	Кимё-тахлилий лаборатория	80	72±1,15	2
5	Транспорт участкаси	80	82±2,07	3.1
6	Гумбулоқ-Жаркудук газини қазиб олиш ва мажмуавий тайёрлаш участкаси	80	94±1,52	3.2
7	Одамтош газ қазиб олиш ва тайёрлаш участкаси	80	94±1,41	3.2
8	Ўтказилган қувурларни ишлатиш ва узелларни ҳисобга олиш участкаси	80	84±2,43	3.1
9	Марказий диспетчер хизмати	80	75±2,88	2
10	Назорат-ўлчов асбоби ва автоматика (НЎА ва А) ҳамда метрология участкаси	80	75±3,16	2
11	Ахборот технологиялари (АТ) ва алоқа хизмати	80	72±1,36	2
12	Технологик ускуналарни таъмирлаш бўйича участка	80	85±3,49	3.1
13	Таъмирлаш-механик устахонаси бригадаси	80	78,2±1,39	2

Биз томондан асосий иш жойларида ўтказилган тебранишларни ўлчовлари куйидагиларни кўрсатди: умумий тебраниш параметрлари ускунанинг техник хусусиятлари (қувват, айланишлар ва зарбалар сони)га

боғлиқ бўлган. Энг юқори тебраниш частотаси транспорт участкасида автомобиль ҳайдовчиларида, таъмирлаш- механик устахонаси хоналарида технологик ускуналарни таъмирлаш бўйича устанинг иш жойларида, технологик қурилмаларни таъмирлаш бўйича чилангарда ва кенг йўналишга эга бўлган станокчида аниқланди, умумий тебраниш даражаси РЭД (рухсат этилган даража) дан 10 дан 36 Гц гача ошган, электр ва газ пайвандчининг иш жойида тебраниш тезланишининг интенсивлиги РЭД даражасида бўлган.

Биз томондан нефть ва газ қазиб чиқариш саноатининг иш жойларининг қуйидаги участкаларида нефть ва газда водород сульфиди, азот оксиди, углерод оксиди, углеводород, сульфат ангидрид ва аммиак миқдорини кимёвий таркибини ўрганиш ўтказилган (2-жадвалга қаранг).

Метеорологик шароитларни ўлчаш иш куни давомида 3 маротаба ўтказилган: 8⁰⁰, 12⁰⁰ ва 16⁰⁰ соатларда. Йилнинг иссиқ даврида (июль) нефть ва газ қазиб чиқариш саноатининг тадқиқот ўтказилаётган участкаларида физик омиллар (ҳарорат, нисбий намлик, ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги) кўрсаткичларида кескин ўзгаришлар юз берди. Шу билан бирга, нефть ва газ қазиб чиқариш цехларида ва бошқа очиқ участкаларда ҳаво ҳарорати кундузги вақтда (соат 1600 да) 36,8 – 42,8°С даражасида, қолган ёпиқ участкаларда ҳаво ҳарорати 25,8±0,26 дан 26,8±0,22°С гача бўлган.

Шундай қилиб, Қашқадарё вилоятининг Ҳисор нефть ва газ қазиб чиқариш конида ишчиларнинг меҳнат шароитларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот ишлари ноқулай ишлаб чиқариш омиллари мажмуаси билан тавсифланади: асосий иш жойларининг ҳавосида кимёвий моддалар миқдори РЭМ дан юқорилигини, шовқин, тебраниш, ноқулай микроиклим, айниқса йилнинг ёз мавсумида қиздирувчи ва қиш даврида совуқ, етарли бўлмаган ва нотекис ёритувчанлик, меҳнат жараёнининг зўриқтирувчанлигини кучайиб бориши билан тавсифландиган ишлаб чиқариш омиллари.

Текширувдан ўтказилган ишчиларнинг кўпчилиги 5 - 20 ва ундан кўп йиллар давомида кимёвий ва физик омиллар таъсир қилиш шароитида ишлаган. Текширувдан ўтган шахсларда овқат ҳазм қилиш органлари, жигар, сафро чиқиш йўллари ҳолатини, шунингдек қоннинг бир қанча биокимёвий кўрсаткичлари ўрганилди. Қашқадарё вилояти Ҳисор нефть ва газ қазиб олувчи конининг 753 нафар ишчилари кўриқдан ўтазилди. Барча текширувдан ўтказилган 753 нафар шахсларнинг 173 нафарида овқат ҳазм қилиш тизими (жигар) фаолияти бузилишига характерли белгилар аниқланди. Булар нефть ва газ қазиб чиқариш операторлари, технологик қурилмалар операторлари, технологик ускуналарни таъмирлаш чилангарлари, муҳандислар, операторлар, участкалар усталари, электргаз пайвандчилари, электрчилар, кимёгарлар, ёрдамчи ишчилар ва бошқалар.

Иш жойи ҳавосидаги зарарли кимёвий омилларнинг микдори

Намуна олиш жойи	Намуналар сони	Статистик кўрсаткичлар	Водород сульфид (РЭК – 3 мг/м ³)	Азот оксиди (РЭК – 5 мг/м ³)	Углерод оксиди (РЭК – 20 мг/м ³)	Углеводородлар (РЭК – 300 г/м ³)	Сульфат ангидрид (РЭК – 10 мг/м ³)	Аммиак (РЭК – 20 мг/м ³)
Нефть ва газ казиб чиқариш цехи	35	M ± m % оғиш	10,96±0,29 365% 3,65	5,36±0,23 107,2	22,2±0,66 111,0	303,6±5,91 117,9 1,18	15,0±1,95 150,0 1,5	27,98±0,49 140,0 1,4
Ишлаб чиқариш-технологик хизмати	35	M ± m % оғиш.	12,7±1,18 423,0 4,23	7,55±0,22 151,0	24,6±0,97 123,0	321,2±1,41 112,4 1,12	12,24±0,90 122,4 1,22	27,0±0,60 135,0 1,35
Кимёлаштириш бригадаси	35	M ± m % оғиш	2,50±0,93 83,3	1,16±0,20 23,2	5,2±2,6 26,0	227,4±11,9 76,0	1,40±0,07 14,0	8,41±0,13 42,0
Кимё-тахлил қилиш лабораторияси	35	M ± m % оғиш	1,8±0,45 60,0	1,42±0,17 284,0	1,52±0,48 10,55	211,0±5,88 70,3	1,56±0,06 15,6	7,92±0,48 39,6
Транспорт участкаси	35	M ± m % оғиш	3,2±1,17 107,0 1,07	6,32±0,31 126,4	20,8±0,39 101,5	311,5±2,40 113,8 1,13	12,24±0,99 122,4 1,24	27,0±0,52 135,0 1,35
Гумбулок-Жаркулук газини казиб олиш ва мажмуавий тайёрлаш участкаси	35	M ± m % оғиш	11,7±0,66 390 3,9	5,10±0,16 102,0	22,4±1,42 112,0	316,2±1,97 115,4 1,15	12,2±0,97 122,0 1,22	23,3±0,99 116,5 1,16
Одамтош газ казиб олиш ва тайёрлаш участкаси	35	M ± m % оғиш	12,98±0,65 432 4,32	6,82±0,25 136,4	20,2±1,25 100,1	309,8±0,92 113,3 1,13	5,86±0,69 58,6	9,2±0,34 40,0
Ўтказилган қувурларни ишлатиш ва узелларни ҳисобга олиш участкаси	35	M ± m % оғиш	10,1±0,92 336,7 3,37	5,44±0,24 108,8	14,1±0,95 70,5	303,0±5,81 114,3 1,14	8,84±0,92 88,4	16,4±0,63 82,0
Марказий диспетчер хизмати	35	M ± m % оғиш	3,3±0,13 110,0 1,10	1,22±0,17 24,4	12,6±1,86 63,0	300,8±8,59 100,4	4,16±0,21 41,6	25,3±0,72 126,5 1,26
Назорат-ўлчов асбоби ва автоматика (НУА ва А) ҳамда метрология участкаси	35	M ± m % оғиш.	1,94±0,79 65,0	1,48±0,18 29,6	8,38±0,89 41,6	256,7±4,60 85,6	4,32±0,15 43,2	25,3±0,72 126,5 1,26
Ахборот технологиялари (АТ) ва алоқа хизмати	35	M ± m % оғиш	5,3±0,13 177,0 1,8	2,22±0,20 24,4	10,1±0,26 50,0	303,6±5,91 101,2	4,11±0,12 41,1	16,3±0,63 81,5
Технологик ускуналарни таъмирлаш бўйича участка	35	M ± m % оғиш	12,5±0,88 417 4,17	5,32±0,24 106,4	22,2±1,39 111,0	306,2±6,04 102,1	10,2±0,63 102,0	26,5±0,44 132,5 1,32
Таъмирлаш-механика устахонаси бригадаси	35	M ± m % оғиш	2,28±0,36 76,0	3,57±0,21 71,4	5,34±2,7 26,7	254,5±2,55 84,8	1,4±0,10 14,0	9,2±0,34 40,0

Текширилган кўрсаткичларни солиштириш учун биз томондан зарарли кимёвий ва физик омиллар билан алоқаси бўлмаган шахслар (48 кишидан иборат назорат гуруҳи) текширилган, булар (бухгалтерлар, солиқ солувчилар, инвестицион режалаштириш, иқтисодиёт ва молиялаштиришни бошқариш бўлими ходимлари). Текширувдан ўтказилган шахсларнинг (173 нафар) иш стажи 1 йилдан 5 йилгача, 6 йилдан 10 йилгача, 11-15 йилдан кўп, 16 ва ундан кўп йилларни ташкил қилди.

Текширувдан ўтказилган 173 нафар ишчилар диспептик характердаги шикоятлар билан мурожаат қилишди: кўнгил айнаши, оғизда аччиқ таъм сезиш, эрталаб кўнгил айнаши, жиғилдон қайнаши, кекириш, ўнг қовурға остида ва эпигастрал соҳада оғриқ ёки оғирлик сезиш, қоринни дам бўлиши, ахлатнинг беқарорлиги ва ич қотиши. Ўнг қовурға остидаги оғриқларга шикоятларни 173 нафар кишидан 73 киши билдирган. Оғриқлар одатда тўмтоқ тавсифга эга бўлиб, кўпинча ўнг қовурға остида сиқилиш ҳисси билан кечган. Диспептик бузилишлар ҳам намоён бўлган.


Кимёвий моддаларнинг ишчилар саломатлик ҳолатига ноҳўя таъсирини олдини олиш ва даволаш мақсадида жигарнинг функционал ҳолатини аниқлаш учун қон зардобини биокимёвий текширувлари ўтказилди. Катта иш стажига эга бўлган шахсларда умумий оқсил миқдорини камайиши, креатинин ва мочевина даражасини ошиши қайд қилинди. Иш стажининг барча муддатларида холестерин миқдори назорат гуруҳига нисбатан баланд бўлган. Глюкоза концентрацияси, умумий ва эркин билирубин миқдори баланд бўлган.

